

**Бюджет, хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чикиндиларни тўплаш ҳамда олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 2591 - сонли Шартнома**

Самарканд ш.

12» янв 2022 й.

Биз, куйида имзо чекувчилар, Самарканд шаҳар "Мароканд обод" ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (куйида «Ижрочи» деб юритилади) – \_\_\_\_\_ ва Низом асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ «Истеъмолчи» (номи) \_\_\_\_\_ (куйида «Истеъмолчи» деб юритилади)  
 (Лавозими Ф.И.Ш.)  
 куйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзолади:

**1. Шартнома предмети**

- 1.1. Мазкур шартнома каттик ва суюк маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни "Ижрочи" га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
- 1.3. Томонлар каттик ва суюк маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги "Чикиндилар тўғрисида" ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан "Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари"га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

**2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

- 2.1. Юридик шахслар маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги №-5580 Фармонида асосан, 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олинган тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт. Куйидаги чикиндилар олиб чикиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида келишилган нарх эвазига амалга оширилади.
- 2.2. Каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади.
- 2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоландиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган далолатнома каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари томонидан имзоланиб бўлгандагина далолатнома ҳақиқий ҳисобланади. Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади. Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунчага тўхтатишга ҳақлидир.
- 2.4. Ижрочи Истеъмолчининг қиндикини сақлаш контейнердаги маиший чикиндиларини олиб чикиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда "Йўналиш варақасига" ва буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан белги қўйдиради. Маиший чикиндиларни умумий тўпланиши м3 ҳисобидан белгиланади.
- 2.5.

№	Хизмат тури	(М3) Метр куб ҳисобида (ККС билан)	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
				Бир ойда	Бир йилда
1	Чакирув (Заявка) асосида	60 222,05	83	4 998 430 = 15	

4 998 430 = 15 *9 998 430 = 15* сум ташқил этади

**3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:** шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш; шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларидан фойдаланиш; Ижрочидан каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш; Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочиға ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш; хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш; шартнома тузилаётганда, каттик ва суюк маиший чикиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятдан келиб чиққан ҳолда, санитария метёрлари ва қондаларида белгиланган сўнгги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш; каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:** каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш; каттик ва суюк маиший чикиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир маротаба ишлатиладиган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №-787-сонли қарорининг 2 боб, 3 боб, 5 боб ва 6 бобларга риоя қилиниши шарт, 2002 йил 5 апрелдаги "Чикинди тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси қонунҳужжатларида белгиланган тартибда чикиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чикиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чикиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар. Каттик маиший чикиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, ариқ ва каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламастик; каттик маиший чикиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемалол ўтишни таъминлаш; чикинди тўплаш контейнерлари, чикинди тўплаш шохобчалари, чикинди тўпловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрисида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш; Каттик ва суюк маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Ижрочи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим; Чикиндиларни қорхона худудида ва руҳсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймастик; Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

#### 4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

##### 4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан чоралар кўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

белгиланган муддатларда каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;  
қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртма номларини бажариш;

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимда шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

аҳолининг тўлик қамраб олиншини таъминловчи ва қонунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш;

чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

каттик маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарarli моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режалар ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осии йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича қамчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

каттик маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.

Маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

#### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

##### 5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

ҳондонда ёки ҳусусий уй-жойда истикомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

шартнома шартларида кўзда тутилган каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни махсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

##### 5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

Каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган қамчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;

Хизматлар кўрсатиш ва қамчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманинг ўз вақтида тўланмаганлиги;

Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланувчи ва қўриқланмайдиган контейнерли чиқинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати;

хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

#### 6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас қучлар сабаб бўлиши мумкин. Қучки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий хатти-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

#### 7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ижроси бўйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

#### 8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сақланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга киради.

8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик булинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган қундан бошлаб кучга киради. Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси Қоидалари” га асосан амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари”га амал қилишади.

#### 9. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари

“Ижрочи”

“Истеъмолчи”

Самарқанд шаҳар “Мароқанд обод” ДУК

Манзил: Самарқанд шаҳри,

Фирдавсий кўчаси 135 уй

Тел: +998 66 237-06-89; +998 66 237-17-15

Ўзмилийбанк Самарқанд бўлими

х/р: 20208000900273927001

МФО: 00278, СТИР: 207201815

Директор

М.У.

RESPUBLIKA IXTISOSI ASHTIRILGAN KARDIOLOGIYA ILMIY-AMALIY TIBBIYOT
Манзил: MARKAZIYING SAMARQAND VILOYATI HINTAQAVIY FIRKASI
Тел: 0100 Сам.обл.г. Самарқанд М. Улughбек д.144
УП: 100021860184017078201054007
ИНН: 201122919
Ўзвначилик булинмасининг номи: БҒХККМ
Й.Х. 23.02.000 300 100.001 010 201842039
Банк номи: Марказий банкнинг
Ғашкент шаҳар Бой Бөлкармаси МФО: 00014
Ғазначилик булинмасининг ИНН 201 122 919

Юридик ҳулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Ҳужжатлик юридувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ келади.

Юрист консултант \_\_\_\_\_



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SAMARQAND SHAHAR HOKIMLIGI

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# GUVOHNOMA

Reestrdaqi № 001  
2014 yil 15 dekabr

№ 001

Mazkur guvohnoma

Samarqand shahar hokimligi huzuridagi "MAROQAND OBOD"  
Davlat unitar korxonasi berildi

Tashkiliy-huquqiy shakli:	TSHH (OHO)	1200
Mulkehilik shakli:	MSH (OC)	135
Pochta manzili: <u>Gagarin ko'chasi, 1-yulak, 1-uy</u>	MHBOT (COATO)	1718401
Tarmoq kodi:	XXTUT (OKOHX)	51121
Korxonaning xo'jalik yurituvchi sub'ekt nomi	KIYT (OKIO)	25010985
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami	STIR (HHH)	207201815
Qo'shimcha ma'lumotlar: Samarqand shahar hokimining 2013 yil 28 dekabrdaqi 2120 - sonli qarori.		

Shahar hokimining  
o'rinbosari

J. Urakov